# Йўлни таъмирлаш учун шағал етказиб берилди

Ўзбекистон тумани “Зиё Нурсух” маҳалласи аҳоли вакиллари қишлоқдаги ички йўлни созлаш учун шағаллаш ётқизиш юзасидан туман ҳокимлигидан амалий кўмак сўраган эди.






Ушбу мурожаат ижросини қаноатлантириш мақсадида маҳалланинг Кенагас

қишлоғидаги 400 метрдан зиёд йўлига тўшаш учун шағал етказиб берилди.



Бугун амалга оширилган ушбу жараён ҳақида хабар берган туман Ободонлаштириш бошқармаси бошлиғи Фаёзбек Муротовнинг қўшимча қилишича, айни шу мазмундаги мурожаатлар ижроси туманнинг бошқа ҳудудлари бўйлаб давом этади.

**Ўзбекистон тумани ҳокимлиги**

2022-02-11 00:15:32